



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "26" mart

Қ-225 -son

Termiz sh.

Олтинсой тумани "Сувкулисой" массиви худудидан "Граф Алмас" МЧЖга "Маиший хизмат кўрсатиш нуқталари", "Электрон кутубхонаси" ва "Машғулотлар зали" қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5,87-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 26 февралдаги 03-02/176-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2020 йил 09 мартдаги 30-сон хулосаси ва Олтинсой тумани ҳокимининг 2021 йил 28 январдаги 01-03/260-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Олтинсой тумани "Сувкулисой" массиви худудидан "Граф Алмас" МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 318-дала контуридаги 0,65 гектар яйлов ер майдони "Маиший хизмат кўрсатиш нуқталари", "Электрон кутубхонаси" ва "Машғулотлар зали" қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. "Граф Алмас" МЧЖ ажратилаётган 0,65 гектар яйлов ер майдонида "Маиший хизмат кўрсатиш нуқталари", "Электрон кутубхонаси" ва "Машғулотлар зали" қуриш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 9 940 463 (тўққиз миллион тўққиз юз қирқ минг тўрт юз олти миш уч) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси

чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов